

# БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗ ОПА-СИНГИЛЛАР!

ҚОНУНЧИЛИК ВА ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ УЧУН!



# ПОСЕТГА

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ  
12 МАЙДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2006 йил 4 март, шанба • 9 (3643)-сон

КУТЛОВ

## ФОРМА КИЙГАН АЁЛЛАР

*Аслида бу дунёнинг  
Таровати — аёллар.  
Биз эркаклар кўнглининг  
Ҳаловати — аёллар.*

*Сизсиз ҳаёт беқадр,  
Мазмун топмас кунимиз.  
Сиз ўзингиз — юракда  
Илдиз отган гулимиз!*

*Сиз борсизки, унутдир  
Минг-минг ташвиш, ғуссалар.  
Юраги осмондай кенг,  
Нозиккина жуссалар.*

*Яратган ижодиди,  
Беназирсиз, нодирсиз.  
Аёл бўла туриб ҳам,  
Кўп ишларга қодирсиз.*

*Бир қарасак париваш,  
Фариштадек гўё сиз.  
Шижоатда бизни ҳам,  
Уялтириб қўясиз.*

*Борингизга минг шукур,  
Ярашибди формангиз.  
Биз қилмаган ишларда,  
Азизларим, ҳормангиз!*

*Дунёнинг кўз-кўзлаган  
Таровати Сиз бўлинг!  
Юртпарвар яшамоқнинг  
Далолати Сиз бўлинг!*

Ориф ТЎХТАШ.

Республика ИИВ ҳузуридаги «Кўриқлаш» Бирлашмаси алоҳида милиция батальони катта иш юритувчиси, катта сержант Камола Эшматова ва ҳисобчи, кичик сержант Василя Маҳхамовалар.

Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.

**Бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм!**

*Қуръони каримда Аллоҳ таоло одам боласи, яъни инсонни азизу мукаррам қилиб яратдиқ дейилади. Эркак ёки аёл деб алоҳида кўрсатилмаган. Шундан билса бўладики аёл ҳам, эркак ҳам Аллоҳ олдида тенг, баравар.*

Маълумки, Ислом динига қадар аёллар камситилган. Пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам аёлларга хурмат кўрсатиш борасида улуг ишларни қилганлар. Мусулмон киши ўз аҳли аёлига меҳр-муҳаббатли бўлиши ҳақида кўп марта таъкидлаганларини саҳобалар айтиб ўтишган. Шариатда гуноҳ қилган кишиларга жарима сифатида бир аёл чўрини озод қилиш буюрилган.

Пайғамбаримизнинг ҳадисларида «Жаннат оналар оёғи остидадур», дейилади. Инсон қачонки меҳрмуруватли, саховатли, ҳушмуомала бўлса, жаннатга тушиши шубҳасиз. Шундай экан, аёлимиз, онамиз, қизимиз, опа-синглимизнинг хурматини жойига қўйишимиз шарт. Бу ожизаларни ҳимоя қилиш биз эркакларга фарз. Қуръони каримнинг оила ҳақидаги

оятда эркаклар аҳли аёлига ҳушмуомала бўлсин, деб буюрилган. Ҳадиси шарифда икки, уч, тўрт ва ундан кўп қизларни боқиб, вояга

**АЗИЗУ  
МУКАРРАМА ЗОТ**

етказиб, уйли-жойли қилган ота-она жаннати бўлишлиги бир неча бор қайд этилган. Демак, қизларни яхши тарбиялаш, муслималар қаторига қўшиб, оқила, иймонли-этиқодли этиб вояга етказишимиз фарзидир.

Аёлларимизнинг жамиятдаги, маҳалладаги, оиладаги ўрнига тўхталадиган бўлсак, шундай оқила, илмли, маърифатли аёлларимиз борки, айрим эркаклар бажара олмайдиған ишни қойиллатиб адо этишади.

Ички ишлар идораларида хизмат қилишни эркаклар иши деб қараймиз. Ҳарбий ишларга аёлларнинг ҳам уқуви, куч-қуввати етишини форма кийиб, юрт тинчлиги осойишталиги учун хизмат қилаётган опа-сингилларимиз амалда исботлашяпти. Ватан, халқ учун унинг равнақи, тинчлиги ва осойишталиги учун хизмат қилиш Аллоҳ назарида ҳам улуг, савобли иш.

Аллоҳга беадад шукрлар бўлсинки, мустақил давлатимизда аёллар учун кўп имтиёзлар белгиланган. Кўплаб онахонлар, сингилларимиз ҳаж сафарига бориб келишяпти. Аҳли аёлларимиз, опа-сингилларимиз, қизларимиздан исломда буюрилган фарз, суннат амалларини бажариб, оқила, оилада саришта, жамиятда ибратли бўлишни талаб этиш ва шунга имкон яратиб бериш биз эркакларнинг вазифаларимиздандир.


**Абдуғани қори  
ИСМОИЛОВ,**

*Ўзбекистон мусулмонлари идораси масжидлар ва фатво бўлими мудири.*

*Республика Ички ишлар вазирлигининг марказий шифохонасида кўнлаб қўли енгил, ширинсўз шифокор ва ҳамшира аёллар ички ишлар ходимларининг саломатлигини тиклаш йўлида хизмат қилишади. Кўз касалликлари бўлиши ҳамшираси Камола Шермухамедова ана шундайлардан бири. Камолахон беморлар дардига дармон бўлиб, уларнинг хурматини қозониб келяпти.*

*Суратда: ҳамшира Камола Шермухамедова.*

**Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.**



**ҲАМ НАФОСАТ,  
ҲАМ ШИЖОАТ СОҲИБАЛАРИ**

*Аёл бир қўли билан бешик, иккинчиси билан дунёни тебратеди, дейишади. Ҳақ гап. Бугунги кунда аёлларимиз турли жабҳаларда эркаклар билан ёнма-ён меҳнат қилиб, улкан ютуқларни қўлга киритишяпти. Мустақилликка эришганимиздан сўнг тadbиркор аёл, депутат аёл, раҳбар аёл деган иборалар тез-тез тилга олинапти. Эндиликда улар қаторига маҳалла посбони, посбонлар сардори деган сўзлар ҳам қўшилди. Зеро, эл тинчлиги ва осойишталигини сақлашдек масъулиятли вазифани уddалаётган аёлларимиз борки, бундан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Айём арафасида пойтахт маҳаллаларида фаолият юритаётган ана шундай ҳуқуқ-тартибот посбонлари билан суҳбатлашдик.*



**Ҳилола ТОҲИРОВА,** Шайхонтоҳур тумани «Гул-обод» маҳалласи «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси посбони:

— Аёл бўла туриб эл тинчлиги, осойишталигига муносиб ҳисса қўшаётганимдан мамнунман. Айрим танишларим маҳалла посбони бўлиш аёл кишининг иши эмас, дейишган эди. Лекин мен бу фикрга қўшилмадим. Чунки маҳалла тинчлигини сақлаш нафақат эркаклар, балки ҳар биримизнинг ишимиздир. Ҳозирда маҳалла ишларидан ортиб, уч нафар фарзанд тарбиясига вақт ажратаяман. Тўнғич ўғлим Отабек Тошкент Давлат ахборот технологиялар университети 2-босқич талабаси, Улугбек эса Тошкент ахборот коллежида таълим оляпти. Иккиси ҳам компьютер ишқибози. Оиламдан кўнглим тўқ. Бундай бахтни ўзгалар хонадонидан ҳам кўришни истайман.

Кўриниб турибдики, юртимизда тинчлик, осойишталикни сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашда аёлларимизнинг муносиб ўрни бор. Зеро, уларнинг томирида Тўмарисдек қахрамонларимизнинг қони оқмоқда. Жамиятимизда шундай нафосат эгалари бор экан, бу мунаввар олам гўзаллашиб бораверади.

**Азизжон ФАЙЗИЕВ.**



**Оксана ШЕРАЛИЕВА,** Юнусобод тумани «Кулол-кўрғон» маҳалласи «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси сардори:

— Фаолларимиз маҳаллада бирорта ҳам нотинч оила бўлмаслиги учун кенг миқёсда режалар белгилаб олишган. Бунинг натижасида йилнинг ўтган даврида фақат иккита нотинч оила қайд этилди. Ушбу хонадонларда соғлом муҳитни қарор топтириш учун маҳалла оқсоқоли Рустам Эргашев ва маҳалла посбонлари жонбозлик кўрсатишяпти. Профилактика инспектори, капитан Фаррух Шариповни доим милиция таянч пунктдан топиш мумкин. Дикқатга сазовор томони, у диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчи Муҳаббат Туропова ҳамда маҳалла посбони Маҳсуда Юсуповалар билан бирга ҳар бир хонадонга кириб, оила аъзоларининг турмуш тарзидан бохабар бўлиб туради.



**Матлуба ТУРОБОВА,** Яккасарой тумани «Тўқимачи» маҳалласи маҳалла посбони:

— Мен кўпинча маҳалла посбони Гулчеҳра Аҳмедова билан худудни айланаман. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда иккимиз ҳамкорлик қилаётганимиз катта аҳамият касб этмоқда. Маҳалладаги тарбияси оғир болалар билан алоҳида тушунтириш ишлари олиб боришимизга тўғри келяпти. Уларни тўғри йўлга бошласакки, жиноят кўчасига кирмасликлари ойдек равшан. Шу мақсадда футбол, волейбол, баскетбол, шахмат-шашка каби спорт тўғараклари ташкил этганмиз.

**ГИЁҲВАНДЛИК – ИЛЛАТ**

**МУСТАҲКАМ ҒОВ**

Гиёҳвандлик иллоти ва унинг инсониятга етказётган зарари ҳақида кўп фикрлар билдириляпти. Бу борада республика ички ишлар идоралари ходимлари томонидан кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Лекин шунга қарамай, мўмай даромад топиш илинжида гиёҳфурушлик қилиб, кўплаб инсонларнинг соғлигига зарар етказётган, оилаларнинг тинчини бузаётган, фарзандларни отаси, онасидан жудо қилаётган қабиҳ ниятли кимсалар ҳамон учраб турибди. Бундай ҳолатлар, айниқса, қўшни Афғонистон ва Тожикистон билан чегарадош бўлган жанубий худудларда кўпроқ қайд этиляпти. Маълумотларга қараганда, 1986 йили Афғонистонда 350 тонна олий етиштирилган бўлса, 2005 йилга келиб, бу кўрсаткич 4100 тоннага етди. Нарко-

бизнесчилар захри қотилни Россия ва Европа бозорларига етказиб бериш учун Осиё давлатлари, жумладан, республикамиздан транзит мақсадларда фойдаланишмоқда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ЖК ва ТҚКББ Наркотрафик ва наркотик моддаларнинг гайриқонуний айланишига қарши кураш бошқармаси ходимлари бундай жиноий ҳаракатларнинг олдини олишда самарали усулларни қўллаб, гиёҳфурушларнинг пайини қирқиш учун барча чора-тадбирларни кўришяпти.

Жумладан, Тошкент шаҳрида 10 та давлатнинг айнан шу соҳа ходимлари

иштирокида олти ой мобайнида «Тўсиқ» дея шартли номланган тадбир ўтказилди. Москва шаҳрида ташкил этилган, икки босқичдан иборат «Канал» деб номланган тадбирда республикамиз Ички ишлар вазирлигининг тегишли хизматлари мутахассислари қатнашишди. Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар ўз мевасини бермоқда, албатта.

Яқинда Сурхондарё вилояти, Сарийосиё туманида ўтказилган тезкор тадбирда Бобур номли ширкат хўжалигида яшовчи Ш. Муҳиддиннинг уйдан катта миқдордаги гиёҳвандлик моддаси топилди. Дастлабки суриштирувларда Ш. Муҳид-

дин Қ. Боймурот ва Р. Тоштемир исмли шахслар билан ўзаро жиноий тил бириктириб, гиёҳвандлик моддаларини Тожикистон Республикасининг М. Турсунзода туманидан айланма йўллар орқали олиб ўтиб, ҳовлисига яшириб қўйгани аниқланди. Ходимлар бир метр чуқурликка қўмиб қўйилган учта қанор қоғ ва бешта қоғоз қутидаги «юк»ни олиб, экспертизага жўнатишди. Экспертиза хулосасига кўра, Ш. Муҳиддиннинг хонадонидан далилий ашё сифатида олинган моддалар – 272 килограмм 600 грамм олий эканлиги маълум бўлди.

Гиёҳфурушликка мустаҳкам ғов қўйиш мақсадида

жорий йилнинг ўтган даврида республика ички ишлар ходимлари томонидан амалга оширилган ишлар натижасида 1048 та шунга ўхшаш ҳолатлар аниқланди.

Заҳри қотил аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида тарқалишининг олдини олиш, долзарб вазифа эканлигини унутмаслик зарур. Шу боис, айни кунларда олий ўқув юртлари, коллеж ва лицейларда ички ишлар ходимлари, халқ таълими ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари ҳамкорликда «Ёшлар гиёҳвандликка қарши» шиори остида учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказишяпти. Уларни аср вабосидан ўз вақтида огоҳ этсак, гиёҳвандликка қарши кураш самарали бўлиши шубҳасиздир.

**Феруза САЪДУЛЛАЕВА,** майор.

**Савол:** — Алло, қизим бу йил ўрта мактабни битиради. Ички ишлар ходими бўлишга аҳд қилган. ИИВ таълим муассасаларининг қайси бирига кириб ўқиши мумкин.

Г. Жабборова, Хоразм вилояти Хива шаҳри.

**Жавоб:** — Республика ИИВ Академиясида ўқишга қизлар ҳам қабул қилинади. Бу ерда



**Жавоб:** — Ҳозирги кунда аёлларимиз ички ишлар идораларининг деярли ҳамма хизматларида эркаклар билан бир қаторда ишлашмоқда.

**Савол:** — ИИВ Академиясида ишлайман, вояга етмаган боласи ёки ногирон фарзанди бор аёллар таътилга чиқишда қандай имтиёзлар-

лади. Бундай таътил йиллик таътилга қўшиб берилиши ёки иш берувчи билан келишиб белгиланадиган даврда ундан алоҳида фойдаланиши мумкин.

**Савол:** — Алло, бевосита мулоқотми? Эркин ёлланиб ишлаётган аёлларнинг фарзандларига ИИВ марказий

ассасаларида ишлашни хоҳлайман. Албатта, шаҳодатланган бўлишим шартми?

Д. Салимов, Тошкент вилояти Қибрай тумани.

**Жавоб:** — ИИВ тиббиёт хизмати муассасаларида ишлаш учун мутахассис шифокорлар, ҳамширалар эркин ёлланган тарзда қабул

дай чеклаш йўқ. Ўзбекистон фуқароси бўлган, саломатлиги яхши, бўйи 165 сантиметрдан кам бўлмаган, ўрта, ўрта махсус, олий маълумотли хотин-қизлар белгиланган тартиб ва қоидалар асосида хизматга қабул қилинади. Хизматга киришни хоҳловчилар яшаш жойларидаги туман, шаҳар ички ишлар бўлимларига мурожаат этишлари мумкин.



**Азиз муштарийлар! Тахририятимизда ўтказилган навбатдаги мулоқот ички ишлар тизимида хизмат қилаётган хотин-қизлар фаолиятига бағишланди. Кейинги йилларда шаҳодатланган ва эркин ёлланган опа-сингилларимизни сафига бирлаштирган республика ИИВ хотин-қизлар кенгашининг иши фаоллашиб борапти. Муштарийлардан тушган саволларга кенгаш раиси, ИИВ Тергов Бош бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича терговчиси, полковник Қурбонбиби Султонова, кенгаш аъзолари, ИИВ Марказий поликлиникаси профилактика бўлимаси бошлиғи, майор Мухаббат Раҳимова, ИИВ ШТБХ катта инспектори, капитан Бернора Содиқовалар жавоб беришди.**

# АЁЛ ШАЪНИ ВА ҚАДРИ МУҚАДДАС

ички ишлар хизмати учун мутахассислар тайёрланади. Ўқишга қабул қилиш қоидалари ҳақида ўзингиз яшаб турган туман ички ишлар бўлими шахсий таркиб билан ишлаш хизматидан керакли маълумотлар олишингиз мумкин.

**Савол:** — Алло, ички ишлар идораларининг тиббиёт хизматидаги шаҳодатланган лавозимларга хотин-қизлар неча ёшдан қабул қилинади?

М. Ҳамдамов, Сирдарё вилояти Гулистон шаҳри.

**Жавоб:** — Республика ИИВ амалдаги меъерий ҳужжатларга асосан ички ишлар идоралари тиббиёт хизматларининг ўрта ва катта бошлиқлар таркибига кирувчи шаҳодатланган тиббий ходимлар лавозимларига ўрта, ўрта-махсус ёки олий маълумотли 35 ёшгача бўлган аёллар, сафдорлар таркибига кирувчи шаҳодатланган лавозимларга эса 30 ёшгача бўлган аёллар қабул қилинади.

**Савол:** — Мени хотин-қизларнинг ички ишлар идораларининг қайси соҳаларида хизмат қилишлари қизиқтиради.

С. Олимбекова, Тошкент шаҳри.

дан фойдаланишлари мумкин?

Н. Орифхўжаева.

**Жавоб:** — Республика ИИВ «Ички ишлар идораларида хизматни ўташ тўғрисидаги муваққат Низом»нинг 54-бандига кўра, ҳомиладор ва фарзанди бор аёллар меҳнат қонунчилигида кўрсатилган барча имтиёзлардан фойдаланадилар. Жумладан:

14 ёшга тўлмаган битта ва ундан ортиқ болани тарбиялаётган ёлғиз онага ва муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг хотинларига йиллик таътиллари, уларнинг хоҳишига қараб, ёз вақтида ёки улар учун қулай бўлган бошқа вақтда берилади.

Шунингдек, 12 ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки 16 ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга уларнинг хоҳишига кўра ҳар йили 14 календарь кундан кам бўлмаган муддат билан иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил бери-

поликлиникасида муолажа кўрсатиладими?

Ю. Комилбоева, Тошкент шаҳри.



**Жавоб:** — Белгиланган тартиб бўйича ИИВ Марказий поликлиникасида эркин ёлланиб ишлаётган аёлларга хизмат кўрсатилади. Зарур ҳолларда уларнинг бемор фарзандларини ҳам текшириб, керакли тиббий маслаҳат берилиши мумкин.

**Савол:** — Бевосита мулоқотми? Касбим шифокор. ИИВ тиббиёт хизмати му-

қилинади. Улар зарур ҳолда, ихтиёрий равишда белгиланган лавозимларга қоида бўйича шаҳодатдан ўтказилади.

**Савол:** — Хизмат даврида ҳалок бўлган ички ишлар ходимларининг фарзандлари ИИВ олий ўқув юртларига ўқишга қираётганларида қандай имтиёзлар берилиши мумкин?

И. Мухторова, Наманган вилояти Поп тумани.

**Жавоб:** — Ички ишлар идораларида ишлаб хизмат даврида ҳалок бўлганларнинг фарзандлари ИИВ олий ўқув юртларига ўқишга қираётганларида абитуриентнинг кириш имтиҳонлари ва тест синовларида тўплаган баллига белгиланган энг юқори баллнинг 10 (ўн) фоизи қўшиб берилади.

**Савол:** — Ички ишлар идоралари хизматида хотин-қизлар чекланган тарзда қабул қилинадими?

Б. Жумамуротова, Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли тумани.

Жавоб: — Йўқ, ҳеч қан-

**Савол:** — Республика ИИВ Академияси қошида сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича Олий курслар ташкил этилгани ҳақида ўқиб қолдим. Бу курсларга хотин-қизлар ҳам қабул қилинадими?

Д. Бахромова, Навоий вилояти Хатирчи тумани.

**Жавоб:** — Республика ИИВ Академиясининг сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича Олий курсларда хотин-қизлардан ҳам мутахассислар тайёрланади. Ўқишни хоҳловчиларнинг ҳужжатлари Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоятлар ИИБ шахсий таркиб билан ишлаш хизматида жамланиб, дастлабки тиббий кўрикдан ўтказилиб, кейин Олий курсларга йўлланма берилади. У ерда яна бир бор якуний тиббий кўрикдан ўтказилиб, тест ва жисмоний тарбиядан синов топширишади.

Бевосита мулоқот иштирокчилари ички ишлар идораларида хизмат қилаётган ва бошқа юртдош хотин-қизларни қизиқтирган яна бир қатор саволларига жавоб бердилар.

Садриддин ШАМСИДДИНОВ ва Леонид КИЯШКОлар ёзиб олдилар.

# МОҲИР ТАШКИЛОТЧИ, ОҚИЛА РАҲБАР

*Риштон тумани ИИБ паспорт бўли-маси бошлиғи, майор Фарҳод Холмирзаев Носир отага учрашиб, қизи Дилоромхонни бўлинмада ишлашига розилик сўради. У мактабдан хусниҳати чиройли қизларни суриштирганда Дилоромнинг ёзуви маъқул бўлган эди.*



Хизмат фаолиятини туман ИИБ паспорт бўлимаси паспортчиси лавозимдан бошлаган Дилором Назирова кейинчалик катта паспортчи, катта инспектор лавозимларида ишлади. 1993 йилдан эса паспорт бўлимасига раҳбар-

лик қилиб келаяпти. У майор Фарҳод Холмирзаевдан касб сирларини ўрганди, тажриба орттирди. Зиммасига юклатилган вазифаларни ўз вақтида, сифатли бажариш, хизматга масъулият билан ёндашиш, жамoadошлар билан ҳамжиҳат бўлиш Дилором опанинг фаолият мезонига айланди. Ҳозирда жамoани бирлаш-

тириб, ягона мақсад сари йўналтира олгани туфайли туманда фуқаролик паспортига эга бўлган фуқаролар тўғрисидаги маълумотларни электрон тармоқ орқали компьютер тизимига кири-

тиш ишлари вилоятда биринчилар қаторида муддатидан илгари, сифатли бажарилди.

— Дилором опа юксак ташкилотчилик қобилиятига эга, — дейди туман ИИБ бошлиғининг ўринбосари, подполковник Мадаминжон Деҳқонов. — У нафақат туман, балки вилоят миқёсидаги маънавий-маърифий учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этишда жонбозлик қилади. Ўз вазифасидан ташқари, «Тозалаш», «Арсенал», «Қидирув», «Тун», «Тонг» ва бошқа тезкор-профилактик тадбирларда ҳам фаоллик кўрсатиб келмоқда.

Дилором опа тиришқоқ ходим, ташкилотчи раҳбар бўлиш билан бирга уч фарзандни тарбиялаб, воёга етказаяпти. Тўнғич ўғил Жасурбек Фарғона политехника институти талабаси, қизи Шоҳижаҳон Япониянинг Коматсу университети битириш арафасида, Бобурмирзо эса мактаб ўқувчиси.

Дилором опанинг кўп йиллик бeнуқсон хизмати 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида асосан «Шухрат» медали билан тақдирланди.

**Бўрибой ОМОНЗОДА.**

*Тобора ривожланиб бораётган жамиятимизни аёлларсиз тасаввур этиш қийин. Қайси соҳани олиб кўрманг улар фаоллик кўрсатишаётганининг гувоҳи бўламиз. Ички ишлар идоралари ҳам бундан мустасно эмас. Юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ёнғинларнинг олдини олишда эркаклар билан бир сафда мўътабар опа-сингилларимиз хизмат қилишаётгани ҳар қанча мақтовга лойиқ.*

## ХУШЧАҚЧАК ВА ОҚКЎНГИЛ

Динора менинг ёрдамчим десам янглишмайман. Чунки кўплаб кўрсатувларимда болажонларга ёнғин хавфсизлиги қондаларини айнан у аниқ ва раvon қилиб тушунтириб бераяпти. Агар менинг йўлимдан борса, кўлимдан келганча ёрдам беришга тайёрман. Келгусида улар каби улғайиб келаётган ёшларимизни бахтли кўриш орзуларимдан биридир.

Узи севган иши ва оиласи учун жонини фидо қилишга тайёр бўлган Феруза Саъдуллаева кўп йиллик меҳнат фаолияти давомида бир неча бор тақдирланган. Уни кутлуг айём билан кутлаб, машаққатли, аммо шарафли хизматида муваффақиятлар тилайман.

**Муслима РАҲИМОВА,**  
катта лейтенант.

Суратда: майор Ф. Саъдуллаева.

**Абу КЕНЖАЕВ** олган сурат.

Майор Феруза Саъдуллаева ҳамкасблари орасида хушчақчақ, оқкўнғил ва фидойилиги билан ажралиб туради. У дастлабки иш фаолиятини Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ИИБ ЁХБ 6-ҳарбийлаштирилган ёнғиндан сақлаш бирикмасида радиотелефон алоқачиси сифатида бошлади. Вақт ўтиши билан М. Улугбек тумани ИИБ ЁХБ 2-мустақил ҳарбийлаштирилган ўт ўчириш қисмида инспектор бўлиб ишлади. Ушбу соҳада муайян тажриба тўплагач, Тошкент шаҳар ИИББ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ёнғиннинг олдини олиш бўлими тарғибот ва ташвиқот йўналиши бўйича катта муҳандис лавозимига ўтказилди.

Айни пайтда Ф. Саъдуллаева пойтахтдаги маҳалла, гузар, ўқув юрлари, мактаблар, болалар боғчаларида ўтказилаётган ёнғин хавфсизлигини тарғиб қилишга оид тадбирларда иштирок этиш билан бирга республика ИИБ Матбуот марказида ҳам фаоллик кўрсатиб келмоқда.

— Ёнғин ўчирувчи бўлиб хизмат қилиш ўта масъулиятли вазифа, — дейди у. — Чунки хонадонда ёнғин келиб чиқса, улар олов билан юзма-юз бўлишади, ўз ҳаётларини хавф-хатарга қўйиб, аланга қаъридан инсонларни олиб чиқишади. Бизнинг асосий вазифамиз фуқароларни ўт балосидан асраш, бепарволик ва лоқайдлик катта талофатлар олиб келишини, тушунтиришдан иборат. Касбимни севиб, майор даражасига етишимда, ҳамкасбларим, шунингдек, қизларимнинг ёрдами беқиёс, деб ўйлайман. Қизим Нигора тиббиёт билим юрти аъло баҳолар билан тамолаб, ҳозирда Тиббиёт академиясида таҳсил олмоқда. Кичик қизим

## ОРЗУЛАРИ ЙЎЛДОШ БЎЛСИН!

*Моҳигул Сайфиева мана ўн йилдирки, ички ишлар идораларида хизмат қилиб келмоқда. Вилоят ИИБда уни меҳнатсевар, меҳрибон, ҳамшиша бировга ёрдам беришга тайёр туриши учун қадрлашади, ҳурмат қилишади. Майор М. Сайфиева кадрлар бўлимида фаолият кўрсатади. Унинг бу касбни танлашига отаси сабабчи бўлган.*



— Отам узоқ йиллар ички ишлар идораларида хизмат қилганлар, капитан унвонида нафақага чиққанлар, — дейди Моҳигул. — У киши қатъиятли бўлиб, уйимизда ҳамшиша тартиб-интизом бўлишини ёқтирардилар. Бу ҳислат менга ҳам ўтган, кундалик ишимда жудаям қўл келаяпти. Чунки ҳужжатлар билан ишлашда тартиб-интизом жуда зарур.

М. Сайфиева Самарқанд Давлат университети тамолаб, меҳнат фаолиятини тиббий хушёрхонада инспекторликдан бошлади. Ёш қиз шундай муассасада ишлашдан чўчимагани ҳам кўп нарсдан

ларак беради. Кейинроқ уни бухгалтерияга ўтказишди. 1996 йилда эса шаҳодатланган лавозимга тайинланди.

— Ўша куни ўзимни жудаям бахтли ҳис қилдим, шодлигимнинг чеки йўқ эди, — дея хотирлайди Моҳигул.

Катта инспектор М. Сайфиева шахсий таркиб билан ишлашга масъул, ички ишлар идораларида хизмат қилишни истаганлар орасидан жисмонан бақувват, ҳар томонлама билимли, дунёқарашни кенг номзодларни танлаши керак бўлади. Вилоят марказидан анча узоқда жойлашган Нарпай тумани ИИБда кадрлар билан ишлашнинг аҳволига жавобгар.

Ҳафтада уч кун ана шу туманда бўлади. Қолган кунлари вилоят ИИБда ишлайди.

Моҳигул бир ўғил, бир қизнинг онаси. Ундан хизматдан ортиб, фарзандлар тарбияси билан шуғулланишга вақтингиз бўлаяптими, деб сўраганимда, шундай жавоб берди:

— Ота-онамга минг раҳмат. Тўғриси, болаларимнинг тарбияси билан кўпроқ улар шуғулланишади. Мен эса кечқурун ишдан қайтгач, уларнинг ҳаёти билан қизиқаман, дарсларини текшираман. Аммо яқшанба — менинг куним. Шу куни фарзандларим билан шаҳар айланамиз, хиёбонларни сайр этамиз, китоб ўқиймиз, бирор тансиқ таом пишираемиз.

Моҳигул Сайфиева оиласини жонидан севади, хизмат вазифасини ҳам виждонан, иштиёқ билан бажаради. Унинг галдаги орзуси — подполковник бўлиш. Бу орзуси ушалишига биз ҳам тилакдошимиз.

**Дилбар САЛОҲИТИНОВА.**  
Суратда: майор М. Сайфиева иш устида.

**К. МАСЕЕВА** олган сурат.



*Криминалистика — нозик соҳа. Бу касбни мукамал эгаллаш учун тинимсиз изланиш, ўқиш ва ўрганиш, тажриба орттириш керак бўлади. Эксперт-криминалистика хизмати ходимларининг барчаси ана шундай ўз касбини жуда яхши биладиган мутахассислар сирасига киришади. Бу соҳада хотин-қизларнинг ўрни, айниқса, алоҳида ажралиб туради. Нозик соҳанинг нозиктаъб ходимлари касб сир-асрорларини мукамал билишлари билан бирга ўтқир зеҳнлари билан касбдошларига ҳар жабҳада кўмакдош бўлмоқдалар.*

Суратда: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Эксперт-криминалистика бўлимининг бир гуруҳ ходимлари.

**Абу КЕНЖАЕВ** олган сурат.



**Бугун Ўзбекистон Республикаси ИИБ Қоровул қўшинлари ўзининг алоҳида ҳарбий тузилма сифатида ташкил топган кунини нишонляпти. Етти йил-нисбатан қисқа муддат. Аммо ана шу қисқа муддат ичида янги тузилмада ислохотларни амалга ошириш, хусусан, шахсий таркибни ўқитиш-ўргатиш борасида катта ишлар амалга оширилди. Бу ҳақда республика ИИБ Қоровул қўшинлари қўмондони, полковник Нодиржон Василжонович СУЛЕЙМАНОВ қуйидагиларни гапириб берди.**

нади. Танлаб олинган номзодлар сержантлар тайёрлаш мактабида тайёргарликдан ўтишади. Таҳсил жараёнида Қоровул қўшинлари фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари, махсус тактикаси назарда тутилади. Шу мақсадда сержантлар мактабида махсус адабиётлар билан таъминланган алоҳида синфлар ташкил

аскарларни тарбиялашда сержантларнинг ўнг қўли, энг яқин ёрдамчиси.

Сержантлар мактабини тугатганларнинг аксарияти кейинроқ, шу мактабларда уч ойлик курсларда яна малага оширишади. Чунки олий маълумотли муддатли ҳарбий хизматчилардан ҳар жиҳатдан устунроқ



— Ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари ўрталарида бўлинмаларимиз ҳали Ички қўшинлар таркибида фаолият кўрсатарди.

Қоровул қўшинлари мустақил ҳарбий тузилма сифатида ташкил этилгач, асосий вазифаларни бажариш учун хизмат фаолиятини такомиллаштириш имконияти туғилди. Қисмлар ва бўлинмаларни бошқариш тезкорлиги, самарадорлиги ошди. Офицерлар ва кичик командирлар таркиби масъулиятни чуқурроқ ҳис қиладиган бўлди. Уларнинг жанговар ва хизмат тайёргарлигига, касб маҳоратини оширишга кўпроқ эътибор берилди. Қўшинларнинг моддий-техник таъминоти билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш осонлашди.

Қоровул қўшинлари бой тарихга эга. Унинг таркибига кирувчи қисмлардан бири ташкил этилганга 80 йилдан ошган. Ана шу сал кам бир асрлик давр ичида жамоада ўзига хос анъаналар шаклланиши табиий, албатта. Бу анъаналарни катта авлод вакиллари асраб-авайлаб, ёш ҳарбийларга етказишяпти. Вақт ўз т а л а б л а р и н и кўймоқда. Унга мувофиқ ИИБ Қоровул қўшинларида ҳам муайян ўзгаришлар юз бераяпти. Бу биринчи галда жангчиларнинг хизматини ташкил этиш, уларни тарбиялашда ўз аксини топмоқда.

4 МАРТ – ИИБ ҚОРОВУЛ ҚЎШИНЛАРИ ТАШКИЛ ТОПГАН КҮН

# ВАТАНГА ХИЗМАТ ҚИЛИШ – ЁШЛАР ОРЗУСИ

Ҳеч шубҳасизки, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар ҳам қўшинлар фаолиятига таъсир кўрсатяпти. Масалан, жиноий жазоларнинг либераллашуви, инсонпарварлик сиёсати натижасида махсус контингент сони камайди. Бу ўз навбатида маҳкумларнинг яшаш шaroитини янада яхшилаш имконини берди. Аммо Қоровул қўшинлари ҳаётига биринчи галда мамлакатимиз Қуролли Кучларида амалга ошириляётган ислохотлар, аввало, армиянинг профессионаллашуви ўз таъсирини кўрсатади. Бугунги кунда Қўшинларимиз шахсий таркибининг олтимиш фоизини шартнома асосида хизмат ўтовчи ҳарбийлар ташкил этади.

Кичик командирлар таркиби асосан шартнома асосида ва муддатли хизмат қилувчи, Қоровул қўшинларида хизмат қилиб қолишни истовчи аскарлар орасидан саралаб олинади. Саралаш чоғида талабгорларнинг билими, салоҳияти, фикрлаш, тез ва тўғри қарор қабул қила билиш қобилияти ҳисобга оли-

тилган. Машгулотларни ўтишга қўшинларимизнинг энг тажрибали офицерлари жалб этиляпти. Зарурат туғилса, ўқув режаларига ўзгартиришлар киритилади.

Шунинг қайд этиш керакки, сўнгги пайтларда сафимизга ҳавас қилса арзигулик ёшлар қўшиляпти. Йигит-қизлар ўз ҳаётини Қоровул қўшинларида хизмат қилишга бағишляётгани кишини қувонтиради. Илгарилари муддатли хизматни тугаляётганлар: «Шартнома асосида 4-5 йил хизмат қилиб кўрайин-чи, у ёғи бир гап бўлар», — қабилида мулоҳаза юригишарди. Ҳозирги ёшлар: «Халқимга нафим тегишини, Ватанимга хизмат қилишни хоҳляман», — дейишади қатъий оҳангда. Уларнинг сўзлари самимий эканлиги, юракдан чиқаяётгани шундоқ сезилиб туради.

Ёш ҳарбийларимиз ҳозирги даврда билимнинг нақадар зарурлигини чуқур англашади, шунинг учун доимо ўз билимларини оширишга интиляшади. Масалан, муддатли ҳарбий хизматга келяётганларнинг беш фоизи олий маълумотли. Улар бош-қа

бўлишни исташади.

Бугунги тарбия жараёнининг энг муҳим вазифаси жангчиларнинг ҳушёрлигини, жанговар шайлигини ошириш, мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантиришдан иборат. Шунинг учун ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машгулотлари баҳс-мунозара шаклида ўтилади. Бу нафақат давр талаби, балки қўшинларимиз фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари билан белгилянади. Маълумки, бизнинг ҳарбий хизматчиларимиз асосан қоровулликда хизмат ўташади. Бунинг устига жазони ижро этиш жойларида тартибни таъминляшади, махсус контингентнинг белгилянган тартибга риоя қилишини

таъминлаш эса осон, оддий иш эмас.

Маҳкумлар қуролни тортиб олиш мақсадида қоровулга ҳужум қилишга уринган ҳолатлар ҳам бўлган. Бундай вазиятларда қоровул шахсий таркибининг тўғри ҳаракат қилиши қоровул бошлиғининг сардорлик қобилиятига, қисқа фурсатда тўғри қарор қабул қилишига боғлиқ бўлади. Масалан, ўтган йили сержант Р. Ҳалимов бошчилигидаги қоровул хизмат ўтаётган пайтда шундай бўлганди. Р. Ҳалимов мардлик ва фидойилик намунасини кўрсатганлиги учун «Жасорат» медали билан тақдирланди.

Энди қўшинларимизнинг моддий-техник таъми-

ноти тўғрисида қисқача тўхталсам. Қўшинларимизнинг таъминоти йилдан-йилга яхшилянаяпти. Бугунги кунда ҳар бир қисмда, бўлинмада компьютер синфлари, замонавий асбоб-анжомлар билан жиҳозлянган спорт заллари мавжуд. Алоқа воситалари, махсус воситалар, техник қўриқлаш воситалари билан таъминляниш борасида ҳам ўзгаришлар катта. Республикаимизда ишлаб чиқаришнинг ривожланыётганлиги бунда ўзининг ижобий ролинини ўйналяпти.

Сўзимнинг охирида фурсатдан фойдаланиб, барча ҳарбий хизматчиларимизни Қоровул қўшинлари ташкил этилган кун билан табрикляйман. Уларга муштақкам соғлиқ, қонунчилиқни мустаҳкамлаш, ҳуқуқ-тартиботни таъминлашдек оғир, аммо шарафли хизматларида муваффақиятлар тилайман.

Сўхбатни  
Ирина  
САЙФУТДИНОВА  
ёзиб олди.  
Абу КЕНЖАЕВ олган  
суратлар.





Азал-азалдан бобо-момоларимиз инсон умрининг гўзал фасли болаликни баҳорга, она-ни, аёлни қуёшга менгашади. Зеро, болаликни баҳорга, онани қуёшга қиёсланиши бежиз эмас. Баҳор келиши билан қуёш нурини мўл-мўл сочади, ҳаво юмшайди, тоғу тошларда қорлар эриб, сойлар тўлиб шарқираб оқади, замин яшнайдди, диллар қувнайди. Онанинг, она-нинг куртаги — фарзанднинг дунёга келиши ҳам баҳорни эслатадими?! Қуёш ҳарорати-ю, баҳорнинг таширифи билан табиат уйғониб, борлиқ янгиланса, фарзанд билан янги насл, янги онг, янги гўзаллик вужудга келади. Қуёш, баҳор табиатдаги узвийликни таъминлаганидек, оналар фарзандлари орқали миллат узвийлигини таъминлайдилар.

Демак, яшариш, тириклик баҳордан, ҳаёт мазмуни фарзанддан бошланади. Ҳосиламизнинг кутбаракаси баҳорга боғлиқ бўлганидек, оиламизнинг тақдири, миллатимизнинг келажаги фарзандларимиз тарбиясига боғлиқдир.

Биз Ватан мустақиллиги нашидасини, сурурини ҳам баҳорга менгизаймиз. Зеро, бу баҳор янглиг янгилини билан кириб келди. Мустақиллик — Озодлик илк бора миллатимизнинг

Уч ёшгача фарзанди бўлган ва бюджет ҳисобидан молиялаштирилган ташкилот ва идораларда ишловчи аёлларга ҳафтасига ўттиз беш соатдан ошмайдиган қисқартирилган иш куни белгиланган. Эллик тўрт ёшга етган камида 20 йиллик меҳнат фаолиятига эга аёллар нафақага чиқиш ҳуқуқига эга.

«Сайловлар тўғрисида»ги қонуннинг 22-моддасига Ўзбекистон Республикаси икки палатали парламентига сиёсий партиялардан депутатликка номзодларни кўрсатишда аёллар учун 30 фоизлик квота ажратиш ҳақидаги қўшимча кири-

# АЁЛ БОРКИ, ОЛАМ ЧАРОҒОН

генофондини соғломлаштириш зарурати масаласини кун тартибига қўйди ва соғлом авлод тарбиялаш вазифаси давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 1995 йил 2 мартдаги «Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда унинг мантӣқий давоми сифатидаги 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони хотин-қизлар ҳаракатини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш учун янги имкониятлар яратди, шунингдек, уларнинг салоҳиятини намоеън этиш йўлларини белгилади.

Зеро, кўҳна мозийдан маълумки, Тўмарис, Сароймулкхоним, Зебунисо, Моҳларойим, Увайсий каби табаррук момоларимиз, ғайратчан, тадбиркор оналаримиз фарзанд тарбиялаш билан бирга юртда тинчлик, элда осойишталик ўрнатишга ҳаракат қилганлар ва ўзларининг нафосатли аъмоллари билан гўзалликдан салтанат яратиб, миллат келажагига муносиб ҳисса қўшишга интилганлар.

Давлат сиёсатида аёллар саломатлигини ҳимоя қилиш, уларни янада соғломлаштириш масаласи устувор ва ўта муҳим аҳамиятга эга вазифа сифатида қўйилиб, бу йўналишда кўплаб институтлар вужудга келди. Ногирон болалар туғилишининг олдини олиш, янги туғилган чақалоқлар ва ҳомиладор аёлларда туғма ва бошқа патологияни барвақт аниқлаш бўйича «Она ва бола скрининги» давлат тизими ташкил этилди.

Ишлаётган аёлларга ҳам алоҳида имкониятлар яратилапти. Тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган аёлларга фаолиятининг биринчи йилида хусусий бизнесини бошлаши учун бериладиган гувоҳноманинг 50 фоизли имтиёзли тўлов жорий этилган.

Натижа бу борада аввалги сайловларга нисбатан самарали бўлди. Қонунчилик палатасига сайланган аёллар барча депутатларнинг 18 фоизини ташкил этади. Сенаторларнинг эса 15 фоизи аёллардан иборат.

Шуни фахр билан таъкидлаш мумкинки, маориф, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат, илм-фан соҳаларида ишлаётган аёллар улуши 70 дан 86 фоизгача бўлган кўрсаткичларни эгаллайди.

Биз мақоламизнинг аввалида аёлни қуёшга, фарзандларни баҳорга қиёсладик. Баҳор ўз гўзаллиги билан еру кўкни қоплаб, бутун борлиқни бегаб, дилларга оламолам қувонч бахш этса, аёл меҳр-муҳаббати, садоқати, ақл-тафаккури билан инсон қалбини нурлантириб, хайрли ишларга ундайди, келажак беланчагини, дунё бешигини тебратди. Мустақил Ўзбекистоннинг Зулфия номидаги Давлат мукофоти борлиги ҳам мамлакатимизда аёлларга, иқтидорли қизларга буюк эҳтиромнинг, эътиборнинг рамзидир. Оналаримиз, момоларимиз ҳар саҳар, ҳар тонг элга осойишталик, юртга фаровонлик, хонадонларига кут-барака тилаб, қуёшни қутлаб кутиб оладилар. Оналаримиз, момоларимиз дуода бўлган саҳарларда келинчақларимиз бешикка эгилган бўладилар. Уларнинг эзгу-тилакларидида ҳаёт, тириклик нафаси уфуради. Зеро, ижтимоий-сиёсий барқарорликка эришилган мамлакатдагина, иқтисодиёт шиддат билан ривожланади, юрт ободлиги, халқ фаровонлиги йўлидаги саъй-ҳаракатлар кўзланган натижаларни беради.

Ҳақиқатан дунё боқийлик билан фанийлик ораллигидаги тилсим. Қилган дуоларимиз, тоату ибодатларимиз ва эзгу ишларимиз ана шу тилсимни очиб учун болаларимиз кўлидаги сеҳрли калит бўлишига тилакдошмиз.

**Раъно ЗАРИПОВА,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

## ТАШҚИ СИЁСАТ ВА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЁТ СОҲАЛАРИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ УСТУВОР ЙўНАЛИШЛАРИ

**Бугун ҳеч муболагасиз, ғурур ва ифтихор билан айтиш мумкинки, мустақилликка эришганимиздан буён ўтган тарихан қисқа давр ичида Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади.**

Биринчи галда Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришганидан кейин, аввало, ўз ташқи сиёсатини дунё ҳамжамиятининг тўлақонли субъекти сифатида амалга ошириш учун реал имкониятларга эга бўлди. Иккинчидан, Ўзбекистон қисқа вақт ичида мустақил давлат сифатида мустақил ташқи сиёсат олиб бора олишини амалда исботлади. Бу — жаҳон сиёсатида давлатнинг нуфузини белгиловчи муҳим мезондир. Учинчидан, мамлакатимизнинг халқаро муносабатлар тизимига кириб бориши ва унда ўз ўрнини эгаллаши халқаро сиёсатнинг ўта чиғаллашган даврига тўғри келди. Тарих шунга гувоҳки, ташқи сиёсатни аниқлаб олиш ва амалга оширишни ҳар қандай давлат ҳам уйдасидан чиқа олмайди. Ўзбекистон ана шундай вазифани бажара олди ва жаҳон ҳамжамиятининг ҳурматига сазовор бўлди.

Тўртинчи жиҳати мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг нафақат мамлакат манфаатларига жавоб бериши, балки янгидан шаклланаётган халқаро сиёсати ҳамда иқтисодиёти билан ҳамкорлигидир. Табиийки, ҳозирги даврдаги халқаро муносабатларда қайси мамлакат кўпроқ иқтисодий жиҳатларга эътибор берса, ўша мамлакат билан ҳисоблашилади. Ўзбекистон — ана шундай давлат. Бешинчидан, мамлакатимиз ўзининг ташқи сиёсатини миллий-маданий меросга асосланган ва жаҳон маданий тараққиётининг илғор ютуқлари билан уйғунлашган ҳолда амалга оширмоқда. Олтинчидан, ҳар бир давлат ўз ташқи сиёсатини амалга оширишда аниқ методологияга, назарияга, миллий мафкурага асосланади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг маъно-мазмуни ва мақсади битта — у ҳам бўлса, мамлакатимиз манфаати ва яна бир бор мамлакатимиз манфаатидир.

Кейинги йилларда иқтисодий ҳаётни янада эркинлаштириш юзасидан мулкдорлар синфини шакллантириш, ҳақиқий рақобат муҳи-

тини юзага келтириш, бозор инфратузилмасини ривожлантириш билан бир қаторда ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этиш тизимини тубдан қайта қўриб чиқиш масалаларига катта эътибор берилмоқда. Бундан ташқари валюта тизими ва бозорини эркинлаштириш, давлат ва турли текширувчи, назорат қилувчи органлар томонидан корхоналарнинг хўжалик фаолиятига ноўрин аралашувини чеклаб қўйиш масаласи ҳам муҳимдир.

Ўзбекистонда иқтисодиёт соҳасида амалга оширилаётган таркибий исло-

кўпроқ тайёр маҳсулот чиқариш учун интилаётганлигини кўришимиз мумкин.

Ўтган йили пойтахтимизда биринчи бор ўтказилган Халқаро пахта ярмаркаси катта аҳамиятга эга бўлди. Тошкент анжуманида дунёнинг 26 мамлакатидида фаолият юритаётган 200 та хорижий компаниянинг 340 нафар вакили қатнашди. Халқаро пахта ярмаркаси натижаларига биноан, пахта хом ашёсини харид қилувчи давлатлар билан 122 та шартнома тузилди.

Юқори даражадаги бож тўловлари, товарлар экспорти ва импортидаги тўсиқларни имкон қадар бартараф этиш лозим. Хусусан, Ўзбекистон билан Россия ўртасида имзоланган иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномада ҳамда мамлакатимиз шу йил 25 январь куни тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кирган

Евросиё Иқтисодий Ҳамжамиятининг бир қатор аҳдномаларида ушбу иқтисодий жараёнларга жиддий эътибор берилган. Аммо бу иқтисодий муносабатларда молиявий бозорнинг эркинлиги чегарасини тўғри англаш керак. Чек-чегарасиз эркинлик, охи-оқибат молиявий инқирозларга сабаб бўлиши ҳам мумкин.

Жорий йилнинг 10 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида Президентимиз И. Каримов чет эл инвестициясига ҳам муҳим устувор йўналиш сифатида баҳо берди. Бу устувор йўналиш — таркибий ислоҳотлар ва иқтисодиётни модернизациялашни янада чуқурлаштириш, унинг кўламини кенгайтириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун зарур шароитларни яратишдан иборатдир.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, юқорида баён қилинган энг муҳим йўналишлар ва устувор вазифаларни амалга оширишдан асосий мақсад, аввало, иқтисодиётимизни жадал ва барқарор ривожлантириш, юртимизда эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш, халқимиз учун муносиб турмуш даражасини яратиб беришдан иборатдир.

Қобилбек КАРИМБЕКОВ,  
сиёсий шарҳловчи.

**... экспорт ҳажмида тайёр маҳсулот ва хизматлар улуши 50 фоиздан ошди. Бу ҳолат ташқи савдода мустақиллик йилларидаги энг юқори кўрсаткич — 1,3 миллиард АҚШ доллари миқдоридида ижобий сальдога эришиш имконини берди. Натижада Ўзбекистоннинг олтин-валюта захираси 1,3 марта ортди...**



# РОСТДА TV

## ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

**НТВ, душанба**

### 22.45 «ОНАНГНИ ПОЕЗДАН ТАШЛАБ ЮБОР» («СБРОСЬ МАМОЧКУ С ПОЕЗДА»)

Ёзувчи Ларри Доннер собиқ хотини шуҳрат орттириш учун ўзининг романини ўғирлаган деб ҳисоблайди. Азбаройи асабийлашганидан ёзиш қобилиятини йўқотиб қўяди. Шунда шогирдларидан бири – Оуэн Лифт «Сиз хотинингизни ўлдиринг, мен эса жонимни ҳиқилдоғимга келтирган онамни ўлдираман», – дея маслаҳат беради.

**Ролларда: Дэнни Де Вито, Билли Кристал, Ким Грейс.**



**ТНТ, сешанба**

### 22.00 «БУЛАР БАРИ ГУЛЛАР» («ЭТО ВСЕ ЦВЕТОЧКИ»)

Алексей хотинига Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан бойчечак сотиб олиш учун кўчага чиқади. Уни бўлса дўкон ичидан ўғирлаб кетишади: эгнига смокинг кийдиришади, ва бугун тўйи эканлигига ишонтиришади. Фақат бошқа биров билан...

**Ролларда: Лолита Милявская, Алексей Панин, Елена Воробей.**



**ДТВ, чоршанба**

### 00.00 «ҚИРОЛИЧА ЭЛЧИСИ» («ПОСЛАННИК КОРОЛЕВЫ»)

Ҳатто ўта замонавий технологиялар даврида ҳам ахборотларни хатда баён этиб, қўлдан-қўлга етказиш зарурияти сақланиб қолади. Қиролчанинг мактуби ўта махфий. Қироллик чопарлари капитани Стронгга пакетни Буюк Британиянинг Шарқий Европадаги Элчисининг шахсан ўз қўлига топшириш буюрилади. Шунда у мактуб катта аҳамиятга эга эканлигини англаб етади.

**Ролларда: Гэри Дэниелс, Тереза Шеррер, Дэвид Вестхед.**



**НТВ, пайшанба**

### 22.50 «БАЗА»

Разведка офицери муҳим гувоҳ вазифасини ўташи мумкин бўлган наркобароннинг ўлими тафсилотларини аниқлаши керак. У капрал Далтон Мерфи номи остида махсус бўлинма таркибига киради. Шунда чегарани қўриқлаши лозим бўлган ҳарбийларнинг ўзлари босқинчилик, қотиллик ва гиёҳвфурӯшлик билан шугулланишига гувоҳ бўлади.

**Ролларда: Марк Дакаскос, Тим Эбелл, Пола Трики.**



**ТВ 3, пайшанба**

### 23.30 «КА-ПЭКС» САЙЁРАСИ («ПЛАНЕТА «КА-ПЭКС»)

Рухий касалликлар шифохонасидаги сирли бемор Ерга олисдаги Ка-Пэкс сайёрасидан келганлигини, яқинда яна ўша сайёрага учиб кетишини ҳаммага эълон қилади. Бу гапни эшитган шифокор «Жиннинг оғзидан ҳар хил гап чиқади-да», – деган хаёлга боради. Аммо воқеа у ўйлаганидан кўра жиддийроқ тус олади. Барча беморлар парвозга тайёргарлик кўра бошлашади.

**Ролларда: Кевин Спейси, Мэри Маккормак, Жефф Бриджес.**



**СТС, жума**

### 3.55 «СОХТА ҲАЗАБ» («ВИДИМОСТЬ ГНЕВА»)

Эри кутилмаганда ғойиб бўлгач, шу пайтгача оддийгина уй бекаси бўлган Терри аёл боши билан тўрт қизига ғамхўрлик қила бошлади. Аста-секин ўзини овутиш учун ичкиликка берилади. Аммо бир куни Дэнни исмли кўшнисини билан танишиб, уни севиб қолади. Болалари ҳам Дэнни билан тез тил топишиб кетишади. Фақат...

**Ролларда: Жоан Аллен, Кевин Костнер.**



**ДТВ, шанба**

### 3.00 «БЕРМУД УЧБУРЧАГИ» («БЕРМУДСКИЙ ТРЕУГОЛЬНИК»)

Тинч океанида кимсасиз ғалати кема топилади. Тез орада у 1972 йилда Бермуд учбурчагида сирли вазиятда ғойиб бўлган «Куин тожи» номли лайнер эканлиги маълум бўлади. Ҳодиса тафсилотларини аниқлаш учун кема бортига журналистлар ва экспертлар тушишади. Улар билишмайдики, лайнерни ёвуз иблислар эгаллаб олишган.

**Ролларда: Лэнс Хенриксен, Жадд Нелсон.**



**РТР, якшанба**

### 21.25 «БЕСАРАНЖОМ» («СУМАСБРОДКА»)

Сўнгги пайтларда журналист қиз Ксения Оверская бошига кетма-кет бахтсизликлар ёғилади. Икки марта тўйи бузилади. Бир гал захарлашларига оз қолади. Энг даҳшати – машинасининг юкхонасидан бошлиғининг мурдаси топилади. Ниҳоят бир куни ўрмонда ўзига бу жумбоқнинг ечимини топишда ёрдам бериши мумкин бўлган одамни учратади...

**Ролларда: Дмитрий Брусникин, Жанна Эппле.**



### «Ўзбекистон» телеканалли

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.45 «Тахлилнома».  
8.50 «Олтин мерос».  
8.55 «Олам ва одам» да-  
стури: «Филлар ҳақида».  
9.40 «Камалак». Кинода-  
стур.  
10.30, 11.20 «Мозий сир-  
лари». 1-2-қисмлар.  
10.55 «Сизнинг адвока-  
тингиз».  
11.00 «Ахборот».  
11.15 «Омон бўлинг!»  
11.50 К. Гольдани. «Аёл-  
лар машмашаси». Сир-  
дарё вилоят мусиқали  
драма театри спектакл.  
1-қисм.  
12.40 «КулдиРИНГ».  
13.00 «Аёллар машма-  
шаси». Спектакль. 2-  
қисм.  
14.00 «Ахборот».  
14.20 «Ўтган кунлар». Ба-  
дий фильм.  
15.50 «Кизлар давраси».  
16.40 «Эртақлар – яхши-  
ликка етаклар».  
17.00 «Ахборот».  
17.15 «Равнақ» студияси  
намойиш этади.  
17.30 «Олтин мерос»  
17.35 «Банк ва мижоз».  
17.50 «Қалқон».  
18.05 «Умр дафтари».  
Ўзбекистон халқ артисти  
Б. Давидова. 1-қисм.  
18.25 «Оқшом навола-  
ри».  
18.35 «Имон». Телевизи-  
он бадий фильм. 1-  
қисм.  
19.20 Биржа ва банк ха-  
барлари.  
19.30 «Ахборот» (рус ти-  
лида)  
20.05 «Омон бўлинг!»  
20.10 «Ишқ эртаги». Се-  
риал.  
21.00 «Ахборот».  
21.40 «Бир ўлка-ки...»  
22.00 «Ярқироқ тош  
сири». Сериал.  
23.20 «Олам ва одам»  
дастури: «Осмонўпар би-  
нолар».  
0.15-0.20 Тунги наволар.

### «Ёшлар» телеканалли

13.55 Дастурнинг очили-  
ши.  
14.00 «Давр» ҳафта ичи-  
да.  
14.35 Болалар экрани:  
Катта танаффус.  
15.00 Ватанпарвар.  
16.00 Давр.  
16.10 Интерфутбол.  
17.50 Катрада куёш.  
18.15 Ёшлар овози.  
18.30 Чемпион сирлари  
(рус тилида)  
18.50 Мафтунингман,  
диёрим!  
19.00 Давр.  
19.35 Тақдир.  
19.55 Ракурс.  
20.10 Антика томоша.  
20.40 UzEX хабарлари.  
21.00 «Шубҳа». Телесе-  
риал.  
22.00 Давр.  
22.45 UzEX хабарлари  
(рус тилида)  
22.55 «Эсмеральда». Те-  
лесериал.  
23.25 Дастурнинг ёпили-  
ши.

### «Тошкент» телеканалли

18.20 Курсатувлар тар-  
тиби.  
18.30 «Пойтахт» (рус ти-  
лида)  
18.50 Болажонлар экра-  
ни: «Эртақларнинг сеҳр-  
ли олами» (рус)  
19.05 «Саломат бўлинг».  
19.20 «Табриклаймиз-  
кутлаймиз».  
19.50, 20.55 «Телекуръ-  
ер маркет».  
20.00 «Пойтахт».  
20.20, 21.45 «Экспресс»  
телегазетаси.  
20.35 «Камила». Телесе-  
риал.  
21.05 «Тошкент вокза-  
ли». Видеофильм (рус  
тилида)  
21.30 «Махсус мухбир».  
22.05 Кинонигоҳ: «Тўғри  
сўзнинг тўқмоғи».  
23.15 – 23.20 «Хайрли  
тун, шаҳрим».

### «Sport» телеканалли

7.00 «Бодрое утро».  
8.00 «Версия». Инфор-  
мационно-аналитичес-  
кая программа.  
8.30 «Тэппейнинг саргу-  
заштлари». Мультсери-  
ал.  
9.00 «Талқин». Информа-  
цион-таҳлилий кўрсатув.  
9.30 «Талисман». Сери-  
ал.  
10.10 «Соғлом авлод».  
10.25 Жаҳон спорти:  
Баскетбол. NBA.  
11.25-12.00 Мини фут-  
бол. Ўзбекистон чемпи-  
онати.  
17.55 Кўрсатувлар тар-  
тиби.  
18.00 «Пахлавон» Болалар  
кураш шоуси.  
18.30 «Хабарлар» (Рус  
тилида)  
18.50 «Жди меня».  
20.00 «Вести».  
20.30 «Юрт ўғлонлари».  
20.55 «Футбол плюс».  
21.30 «Хабарлар».  
21.50 «Привратности  
любви». Сериал.  
22.50 «Проф-РИНГ».  
23.40 «Тунигиз осуда  
бўлсин!»

### 30-й канал

16.55 гача профилакти-  
ка ишлари  
16.55 Открытие про-  
граммы  
17.00 «Мультфильм»  
17.30 «Илдизлар ва яй-  
роклар»  
17.50 «Клип»  
18.00 «Кассандра», се-  
риал  
18.45 «Мусикий лахза-  
лар»  
19.00 «Ошикона», муси-  
кий дастури  
19.45, 21.40 «Телехам-  
кор»  
20.00, 21.50 «Мусикий  
табассум»  
21.00 «Хайрли тун, бола-  
жонлар!»  
21.15 «Мусикий лахза-  
лар»  
22.20 «Далида», 1-я се-  
рия

### ОРТ

6.00 «Доброе утро»  
9.00, 12.00 Новости  
9.05 «Убойная сила». Сери-  
ал  
10.10 «Любительница час-  
тного сыска Даша Василь-  
ева»  
11.20 «Кривое зеркало»  
12.10 Дисней-клуб  
12.50 Фильм «Спецназ го-  
рода Ангелов»  
15.00 Новости (с субтитра-  
ми)  
15.10 «Лолита. Без комп-  
лексов»  
16.00 Сериал «Талисман»  
17.00 «Федеральный судья»  
18.00 Вечерние новости (с  
субтитрами)  
18.10 «Большие девочки»  
18.40 Сериал «Московская  
сага»  
19.50 Жди меня  
21.00 Время  
21.30 Комедия «Госпожа  
горничная»  
23.30 Юбилейный вечер Л.  
Долиной  
1.00, 3.05 Фильм «Лоуренс  
Аравийский»  
3.00, 5.00 Новости  
4.20, 5.05 «Месть Алтайской  
принцессы». Док. фильм  
5.20 «Подводный мир Анд-  
рея Макаревича»

### РТР

5:00 «Доброе утро, Рос-  
сия!».  
8:45 Фильм «Человек ро-  
дился».  
10:45, 13.45, 0.15, 4.40 ВЕ-  
СТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.  
11:00, 14.00, 17.00, 20.00  
ВЕСТИ.  
11:30, 14.20, 16.40, 20.30  
МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-  
МОСКВА.  
11:50 «Комната смеха».  
12:45 «Частная жизнь».  
14:40 Фильм «Львиная  
доля».  
17:15 «Смехопанорама».  
17:50 «Обреченная стать  
звездой». Телесериал.  
18:45 Телесериал «Волчи-  
ца».  
